

Кейинги уринларда «Машина-механизм билан хизмат курсатувчи» деб юритиладиган «Фаргона капитал таъмир инвест» МЧЖ уз Низомига кура фаолият курсатувчи, раҳбари О.Хусанов бир томондан ва кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган "S-CLASS BINO" МЧЖ уз Низомига кура фаолият курсатувчи, директор Ж.Оббозов, иккинчи томондан узаро келишиб, машина-механизм хизматини курсатиш шартномасини тuzдилар.

#### I. Шартнома мазмуни

«Машина-механизм билан хизмат курсатувчи» «Буюртмачи»нинг буюртмаси асосида машина-механизм (Виб.каток) хизматини курсатади. «Буюртмачи» «Машина-механизм билан хизмат курсатувчи»нинг курсатилган хизматлари учун тасдиқланган калькуляция ҳамда томонлар имзоланган нарх келишув баенномаси асосида туловлар амалга оширади.

#### II. «Машина-механизм билан хизмат курсатувчи» мажбуриятлари

- 2.1. Техник жихатдан соз булган, шунингдек факат «Буюртмачи»нинг талабномаси асосида «машина-механизм» (Виб.каток) ажратади.
- 2.2. Объектда ишларни бажариш даврида ЕММ билан таъминлайди, машина механизмларни ремонтини таъминлайди, техника ва харакат хавфсизлиги коидаларига тула жавоб беришни, хосил булган саволлар ва муамоларни, хар-хил камчиликларни баргараф килишни тула таъминлайди.
- 2.3. Курсатиладиган хизматини уз вақтида ва сифатли бажариб беришни кафолатлайди.

#### III. «Буюртмачи» мажбуриятлари:

- 3.1. «Курсатилган» хизмат буйича бирламчи хужжатларни дархол расмийлаштиради, тасдиқлайди, бу хужжатларни расмийлаштиришда ноаникликка йул куймай суровларни аниқ тулдирди.
- 3.2. Курсатилган хизматлар учун маълумотномалар иш бажарилган кун охирида расмийлаштирилади.
- 3.3. Бажариладиган ишлар учун олдиндан 30% хак тулайди.
- 3.4. Бажарилган ишлар хисоб-китоблар хисоб варакаси тақдим этилган кундан бошлаб, 30 кун муддат ичида колган 70% туловни амалга оширади.

#### IV. Шартноманинг бахоси

- 4.1. Шартноманинг тахминий киймати амалдаги нархларда 150 000 000 ( Бир юз эллик миллион) сўмни (ҚҚС билан) ташкил этади.
- 4.2. Шартнома киймати очик хисобланиб, Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан ишлаб чиқарилган норматив хужжатларга асосан узгариши мумкин.

#### V. Томонлар маъсулиятлари.

- 5.1. «Буюртмачи» томонидан етказиб бериладиган махсулотлар, курсатиладиган хизматлар аванс хисобиди хисобга олинади.
- 5.2. «Машина-механизм билан хизмат курсатувчи» тасдиқлаган бирламчи хужжатларга (ТТН, маълумотномага) асосан реестр тузади ва хисобот оинининг 28-кунига хисоб-фактура оркали «Буюртмачи»га тақдим килади.
- 5.3. Томонлар уртасида узаро хисоб-китоблар хар чоракда солиштирма далолатномага асосан текшириб борилади.
- 5.4. Буюртма берган томондан тасдиқланган иш режалари уз вақтида сабасиз бажарилмаса, иккинчи томон хар бар кечиктирилган кун учун туланадиган сумманинг 0,5% пеня тулайди.
- 5.5. Курсатилган хизматлар учун туловлар уз вақтида амалга оширилмаса, буюртма берган томон кечиктирилган хар бир кун учун туланадиган сумманинг 0,5% пеня тулайди.
- 5.6. Хисобланган пенялар туланадиган сумманинг 50% дан ошмаслиги керак.

#### VI. Томонларнинг мулкый жавобгарлиги.

- 6.1. Томонлардан бири уз мажбуриятини бажармаса еки лозим даражада бажармаса мулкый жавобгар хисобланади ва натижада келтирган зарарни коплаб беради. Шунинг билан бирга Узбекистон Республикаси Фукаролик Кодексида ҳамда «Хужалик юритувчи субъектларни шартномавий-хукукий базаси туғрисидаги» конунда кузда тутилган тартиб буйича жавобгарликка тортилади.

#### VII. Шартномани амал килиши.

- 7.1. Шартнома томонлар имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва «31» декабрь 2022 йилга кадар амалда булади.
- 7.2. Шартномани кучини йукотиши Ушбу шартнома буйича олинган мажбуриятлар буйича эътирозларни ниҳоясига етказиб хал килиш учун таъсир килмайди.
- 7.3. Шартномани узгартриш, кушимча киритиш томонларни узаро келишувига асосан езма равншда амалга оширилади.

#### VIII. Шартномани бекор килиниши.

- 8.1. Мазкур шартнома куйндаги холатларда бекор килиниши мумкин:
  - Томонлар туловларни амалга оширишга кодир булмаи колганда (банкротлик холатида)
  - Объект консервация килинганда
  - Форс-мажор холатлари вужудга келганда.

#### IX. Бошқа шартлар.

- 9.1 Шартнома мажбуриятларини бажармаслик окибатиди келиб чиқкан низолар узаро келишув йули билан хал килинади.
- 9.2 Узаро келишилмаган низолар Узбекистон Республикаси конунчилиги доирасида куриб чиқилади.

«Машина-механизм билан хизмат курсатувчи»

«БУЮРТМАЧИ»

"Фаргона капитал тамир инвест" МЧЖ  
х/р: 20208000305175818001 ИНН 307105052

МФО: 001142  
Фаргона ш. Миллат инвест банк  
Фаргона ш. Новкент МФИ

FERGANA  
CAPITAL  
INVEST

Корхона директори: О.Хусанов

"S-CLASS BINO" МЧЖ  
х/р20208000305113890001 ИНН 306642004  
МФО:00991  
Хамкор банк АТБ Маргилон бўлими  
Маргилон шаҳар Арик буйи кўчаси 64 уй

Корхона директори:

Ж.Оббозов